



ЖИНОЯТ ИЖРОИЯ ХУҚУҚИ ТАРИХ

ЖАЗОНИ ИЖРО ЭТИШ ФАОЛИЯТИ КАФЕДРАСИ

Комилов Самандар Адхам ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жазони ижро этиш
фаолияти бўйича таълим олаётган 335-гуруҳ курсанти

АННОТАЦИЯ: Битирув малакавий ишида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, предмети, объекти, вазифалари, жиноят ижроия хуқуқи тарих тушунчаси, бугунги кундаги аҳамияти, ушбу жиноят ижроия хуқуқи тарих аҳамияти, ҳозирги ҳолат, шунингдe ушбу жиноят ижроия хуқуқидаги муаммо ва камчиликлар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича бир қатор таклифлар ишлаб чиқилган.

Шартли қисқартмалар:

ИИО-ички ишлар органлари;

ТП – Таянч пункти;

МЖТК – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс;

ЖК – Жиноят кодекси;

ЖИК – Жиноий ижроия кодекси;

ХМҚО – Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар;

ЖТС-жамоат тартибини сақлаш;

ИИВ-ички ишлар вазирлиги;

ИИБ-ички ишлар бошқармаси.

Мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс



чоратадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилди.

Давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратмаяпти.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти.

Ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номутаносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштиришнинг таъсирчан тизимини яратиш, қонун бузилишларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишнинг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш мақсадида Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар фаолияти йўлга қуйилди. Профилактика инспекторининг аҳолининг ижтимоий масалалардаги муаммоларини ҳал этишдаги иштироки шахснинг ижтимоий ва иқтисодий



хуқуқларини амалда таъминлашнинг таркибий қисми сифати белгилаб берилди.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифати эътироф этилди .

Комиссия томонидан қабул қилинадиган қарорлар барча вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ижро этилиши мажбурият сифатида белгиланди.

Комиссиянинг асосий вазифалари санаб ўтилди: қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини, юридик шахслар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини хуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш; хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқирилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш; ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолиятини уларнинг фаолияти самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш; хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш; жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва

уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш; жиноятлар фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яширинган шахсларнинг қидирувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув ва профилактика тадбирларининг самарадорлигини ошириш; тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни хуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини





такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш; ваколатли органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шартшароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш борасидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш; ҳудудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоининг ижтимоий масалалардаги муаммоларини ҳал этишнинг янги тизими яратилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, шунингдек умумистеъмолдаги сўзлар қаторида “Фуқаробай”, “Оилабай”, “Маҳаллабай”, ва бошқа бир қатор сўзларнинг кириб келаётганлиги халқимизга оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоқлари орқали маълум. Ҳолбуки, ушбу терминлар ҳозирги қабул қилинаётган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топмоқда.

Зеро, ушбу тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини англаш, уларнинг мақсад ва вазифаларини англаб етиш, шунингдек мамлакатимиз ижтимоий ҳаётидаги ўрни ҳамда аҳамиятини белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар фаолиятида ушбу тизим қанчалик тадбиқ қилинмоқда. Кейинги ўринларда ушбу масалани ёритиб оламиз .

“Фуқаробай” ишлаш тизими – фуқароларнинг мавжуд муаммоларини ҳал этишнинг махсус платформаси ҳисобланиб, маҳалла, туман, вилоят кесимида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик



ва бошқа муаммоларини индивидуал тартибда аниқлаш ва ҳал этишни назарда тутати.

Ўзбекистонда аҳоли муаммоларини ҳал этишнинг “фуқаробай” ишлаш тизимининг жорий этилиши дастлаб Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2021 йил 27 январда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида эълон қилинди.

Давлатимиз раҳбари: Энди ишни “маҳаллабай” ташкил этишда маҳалла раиси, профилактика инспектори, мактаб директори, ёшлар етакчиси ёшлар муаммоларини “фуқаробай” аниқлайди.

Энди маҳаллада “фуқаробай” ишлаймиз. Уйнинг ичидаги одамнинг кайфияти қандай? Нима мурод-мақсади бор? Нима муаммолари бор?

Шуларни “фуқаробай” аниқлаб, сектор раҳбарлари олдида аниқ ва лўнда масалаларни қўйишлари шарт”, – деб таъкидлаган эди.

“Фуқаробай” ишлаш тизимининг бир қатор ўзига хос хусу-сиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг афзалликларини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин.

“Фуқаробай” ишлаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

хар бир фуқаронинг муаммолари индивидуал тартибда аниқланади; аниқланган муаммолар тегишли маълумотлар базасига киритилади; мутасадди ташкилотларга муаммоларни ҳал этиш юзасидан аниқ

вазифлар берилади; аниқланган муаммолар индивидуал тартибда ҳал этилгунга қадар

назоратга олинади; аниқланган муаммолар ҳал этилганидан кейин тегишли маълумотлар

базасидан чиқарилади.



“Фуқаробай” ишлаш тизимининг ижтимоий-профилактик аҳамияти. Жамиятда мавжуд бўлган ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммолар биринчи навбатда ёшлар ва аёллар ҳаётида акс этади. Бошқача айтганда, ёшлар ва аёллар муам-молари жамиятдаги муаммоларнинг барометри ҳисобланади.

Хусусан, Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақа бўлиб, аҳолисининг ёши ўртача 27,6 ёшни ташкил этади. Минтақа аҳолисининг 50 фоизга яқини Ўзбекистон Республикасига тўғри келади. Жумладан, мамлакатимиз аҳолисининг 18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади

(15 ёшдан 19 ёшгача бўлгани 2 558 977 нафар, 20 ёшдан 24 ёшгача 2 890 718 нафар, 25 ёшдан 29 ёшгача 3 212 525 нафарни ташкил қилади). Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга боғлиқ қуйидаги жиддий муаммолар мавжуд:

- 39 088 нафар ёшлар нотинч оилаларда истиқомат қилмоқда;
- 368 нафар ёшлар турли зарарли норасмий гуруҳлар, оқимлар таъсирига тушиб қолган;
- 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида қайд этилган 39 244 та жиноятнинг 11 469 таси ёки 34,8 фоизи ёшлар томонидан содир этилган;
- 2020 йилда ҳар 100 та жиноятнинг 2,2 тасини 16-17 ёшдагилар, ҳар 100 та жиноятнинг 15,2 тасини 18-24 ёшдагилар, ҳар 100 та жиноятнинг 19,2 тасини эса 25-30 ёшдаги шахслар содир этган;
- 2020 йил сентябрь ҳолатига кўра гиёҳвандлик моддаларини суиистеъмол қилувчи 5 889 нафар ёшлар рўйхатга олинган;
- республикамизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар болалар мавжуд;



– 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз ёки 844 минг нафарни ташкил этмоқда (бу умумий ишсизлик даражасидан 1,5 баравар кўп). Ҳисобга олинмаган ишсизлар сони эса бундан ҳам юқори.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 26 февраль куни хотин-қизларнинг муам-моларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилишида хотин-қизлар билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари “Энг оғир, мураккаб масалаларимиз аёллар бўйича. Халқимизнинг талаби ўсиб бораёпти. Биз шу талабларга муносиб шароит яратиб беришимиз керак. Буни чуқур ҳис қилмаган одам раҳбар бўлиб ишлолмайди”, — деб таъкидлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёллар билан боғлиқ қуйидаги жиддий муаммолар мавжуд:

- ўтган икки йилда 116 мингга яқин аёл ўз тадбиркорлик фаолиятини тўхтатган;
- оилавий келишмовчиликлар оқибатида 2020 йили 28 мингдан ортиқ оилалар бузилган;
- 15 мингга яқин хотин-қиз тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган;
- ўтган йилларда 480 мингга яқин хотин-қиз узок муддатга хорижга ишлаш учун кетган бўлиб, ҳозир уларнинг фарзандларига оид маълумотлар ҳеч қайси идорада мавжуд эмас.

“Эр-хотин ўртасидаги доимий жанжал, хиёнат, куч ишлатиш ва миграция ажримларнинг 70 фоизига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси, аёлларни хўрлаш, ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш ҳамда омма олдида “сазойи” қилиш ҳолатлари оддий ҳолатга айланиб бормоқда”, — деб таъкидлади Президент Шавкат Мирзиёев.



Шундай қилиб, профилактика инспекторининг аҳолининг ижтимоий масалалардаги фаолиятини ҳал қилишда “фуқаробай” ишлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, “фуқаробай” ишлаш орқали фуқароларнинг ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммолари аниқланиб, ҳисобга олинади ҳамда ҳал этилади, жамиятда ижтимоий мувозанат барқарорлаштирилади ва ҳуқуқбузарликларнинг асосий сабаблари ҳамда шарт-шароитлари бартараф этилади.

“Фуқаробай” ишлаш тизими ваколатли субъектлар, шу жумладан ички ишлар органлари томонидан маҳалла, туман, вилоят кесимида ҳар бир фуқаронинг ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа муаммоларини индивидуал тартибда аниқлаш ва ҳал этиш орқали уларнинг жиноят содир этишининг олдини олишдан иборат ижтимоий профилактиканинг самарали методларидан биридир.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишда “Фуқаробай” ишлашнинг аҳамияти – профилактик чоратадбирларнинг манзилли ва мақсадли йўналтирилиши орқали аниқ шахсларга таъсир чораларини кўриш, унинг таъсирчанлигини ошириш, қолаверса вақт, куч ва воситалар ортиқча сарфланишига чек қўйишга эришилади.

Шундай қилиб, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича идоралараро комиссиялар аҳолининг ижтимоий масалалардаги муаммоларини ҳал этишдаги иштироки, аҳолининг ижтимоий муаммоларини аниқлаш, уларни ҳал этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мумкин

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов.И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Ўзбекистон, 2008



2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т., «Ўзбекистон», 2016. – 56 б
3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.– Т.,«Ўзбекистон», 2017.–48 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги – инсон мафаатларини таъминлашнинг муҳим омилидир. – Халқ сўзи. – Т., 2017. 8 янв
5. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қаттиқ тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак / Ш.М.Мирзиёев; – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Инсон манфаатларини таъминлаш учун аввало унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак Халқ сўзи. – Т., 2017. 10 фев.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017.
8. Мирзиёев Ш.М. Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. – 2017. – 23 дек.
9. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганинг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2018.–13 янв.
10. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 28 йиллиги муносабати билан байрам табриги // Халқ сўзи.–2020.–8 дек.